

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 ноябрь 2017 й.г. № 937

O'zbekiston Respublikasi
O'RTA MAXSUS
TA'LIM
Qabul № 2292
2017.11.24

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш
ва аттестациядан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 февралдаги ПФ-1958-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида экспертизадан ўтказиш ҳамда илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлашни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор юзлади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси А.Т. Юсупов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир



А.Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида (кейинги ўринда ОАК деб атлади) илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш тартибини белгилайди.

2. ОАК эксперт кенгашларининг шакллантирилиши ва фаолияти тартиби қонунчилик томонидан белгиланади.

3. ОАК эксперт кенгашлари раислари, илмий котиблари ва экспертларининг илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун меҳнатига ҳақ тўлаш ОАК томонидан, ҳар йили “Фан” соҳаси бўйича жорий харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

4. ОАК эксперт кенгашлари раислари, илмий котиблари ва экспертларининг илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун меҳнатига ҳақ тўлаш қонунчиликка мувофиқ, улар томонидан ОАК билан белгиланган тартибда тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

2-боб. ОАК эксперт кенгашлари раислари, илмий котиблари ва экспертларининг илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорлари

5. ОАК эксперт кенгашлари аъзоларининг илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун меҳнатига ҳақ тўлаш соатбай шартларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

эксперт кенгаши раиси ва илмий котибига – эксперт кенгашининг ҳар бир ўтказилган мажлиси учун, амалда уни ўтказиш учун сарфланган вақтдан келиб чиққан ҳолда, бироқ ҳар бир мажлис учун 5 соатдан кўп эмас;

экспертларга – фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш юзасидан диссертацияни экспертизадан ўтказиш учун 8 соат ҳамда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш юзасидан диссертацияни экспертизадан ўтказиш учун 5 соат ҳисобидан.

6. ОАК эксперт кенгашлари мажлисларини ўтказиш жадвали ОАК бош илмий котиби томонидан тасдиқланади.

7. Илмий даража олиш юзасидан бир диссертация экспертизаси эксперт кенгаши раиси тайинлайдиган бир эксперт томонидан ўтказилади.

Илмий даража олиш юзасидан диссертацияни экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича баҳсли вазиятлар вужудга келганда, эксперт кенгаши раиси томонидан ОАК раиси билан келишилган ҳолда мазкур диссертацияни бошқа эксперт томонидан такроран экспертизадан ўтказиш тайинланиб, унинг меҳнати учун ҳақ тўлаш ушбу Низомнинг 5-банди учинчи хатбошида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8. ОАК эксперт кенгаши раиси, илмий котиби ва экспертларининг илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдори раҳбар кадрлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчиларига ўқув машғулотлари ўтказадиган шахслар учун тўлашнинг назарда тутилган соатбай иш ҳақи миқдорига тенглаштирилади.

9. ОАК эксперт кенгашлари раиси, илмий котиби ва экспертлари меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини белгилаш мақсадида уларнинг эксперт кенгаши мажлисларида ҳамда илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларни экспертизадан ўтказишдаги иш вақтини ҳисобга олиш ОАК масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

10. Чет эл фуқаролари томонидан илмий даражалар олиш юзасидан хорижда бажарилган диссертациялар экспертизаси тўлов асосида ОАК эксперт кенгаши томонидан амалга оширилади.

Чет эл фуқаролари томонидан илмий даражалар олиш юзасидан хорижда бажарилган диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун тўлов миқдори ОАК томонидан амалдаги сарф-харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Тўлов чет эл фуқароси томонидан ОАКнинг бюджетдан ташқари газначилик ҳисоб рақамига белгиланган тартибда қиритилади.

Чет эл фуқаролари томонидан илмий даражалар олиш юзасидан хорижда бажарилган диссертацияларни экспертизадан ўтказиш учун ОАК эксперт кенгаши раиси, илмий котиби ва экспертлари меҳнатига ҳақ тўлаш қирим қилинган тўлов ҳисобидан амалга оширилади.

3-боб. Диссертацияларда плагиатни аниқлаш юзасидан экспертизадан ўтказиш ва диссертациялар мавзуларини топ этиш учун сарф-харажатларни тўлаш тартиби ва миқдорлари

11. ОАКда илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларда плагиатни аниқлаш юзасидан электрон экспертиза ўтказиш ва “ОАК Бюллетени” журналида диссертациялар мавзуларини эълон қилиш учун сарф-харажатларни тўлаш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

талабгор меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёки диссертация бажарилган ташкилот ва муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, - диссертация илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш томонидан талабгор олий ўқув йуртидан кейинги таълим институтида ўқиш даврида қабул қилинган тақдирда;

талабгорнинг ўз маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, - диссертация илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш томонидан талабгор олий ўқув йуртидан кейинги таълим институтида ўқиш муддати тугаганидан сўнг қабул қилинган тақдирда.

12. ОАК томонидан қуйдаги тўлов миқдорлари белгиланади:

ОАКда фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш юзасидан диссертацияда плагиатни аниқлаш юзасидан электрон экспертиза ўтказиш учун – энг кам иш ойлик ҳақининг икки баравари миқдориди;

ОАКда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш юзасидан диссертацияда плагиатни аниқлаш юзасидан электрон экспертиза ўтказиш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди;

“ОАК Бюллетени” журналида диссертациялар мавзуларини эълон қилиш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдориди.

ОАКда илмий даражалар олиш учун диссертацияларда плагиатни аниқлаш юзасидан электрон экспертиза ўтказиш ва “ОАК Бюллетени” журналида диссертациялар мавзуларини эълон қилиш учун тўлов ОАКнинг бюджетдан ташқари гозначилик ҳисоб рақамига белгиланган тартибда кирим қилинади.

4-боб. Яқинловчи қоида

13. ОАК эксперт кенгашиари аъзолари меҳнати учун иш ҳақи миқдори, улар бажарган иш ҳажмининг келиб чиқиб, тўғри ва асосли белгиланиши юзасидан маъмулий ОАК эксперт кенгашиари раислари ва маъмул ходимлари зиммасига юклинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 ноябрдаги
937-сон қарорига
2-илова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш тартибини белгилайди.

2. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қуйдагилардан иборат бўлади:

илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентлик учун;

илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар авторефератларини чоп этиш ва юбориш учун;

бошқа шаҳарлик оппонентларнинг йўлқира, яшаш харажатлари ва суткалик пулларини тўлаш учун сарф-харажатларни қошлаш учун;

илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар ҳимоясини стенография қилиш учун.

3. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш қуйдагилар ҳисобидан амалга оширилади:

талабгор меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёки диссертация бажарилган ташкилот ва муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, - диссертация илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш томонидан талабгор олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида ўқиш даврида қабул қилинган тақдирда;

талабгорнинг ўз маблағлари, шунингдек, қонунийликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, - диссертация илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш томонидан талабгор олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида ўқиш муддати тугаганидан сўнг қабул қилинган тақдирда.

4. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентлик ҳамда бошқа шаҳарлик оппонентларнинг йўлқира, яшаш харажатлари ва суткалик тўловлари учун сарф-харажатларни қошлаш учун маблағлар, келгусида ушбу харажатлар тўланиши учун, ҳузурида тегишли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасанинг бюджетдан ташқари гозначилик ҳисоб рақамига белгиланган тартибда ўтказилади.

2-боб. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентлик қилиш

5. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентларни тайинлаш тартиби, илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

6. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентлик қилиш учун оппонентларнинг меҳнатига иш ҳақи тўлаш соатбай асосда қуйидаги ҳисобда амалга оширилади:

ҳар бир оппонент учун 8 соатдан - фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш юзасидан бир диссертацияга оппонентлик қилиш учун;

ҳар бир оппонент учун 6 соатдан - фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш юзасидан бир диссертацияга оппонентлик қилиш учун.

7. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентлик қилиш учун оппонентларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдори, раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тизимчиларига уқув маъмулотлари ўтказадиган шахслар учун тўлашни назарда тутилган соатбай иш ҳақи миқдорига тенглаштирилади.

8. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертацияларга оппонентлик қилиш учун оппонентларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш, ҳузурида тегишли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолият юритаётган муассаса томонидан, тузилган меҳнат шартномалари асосида амалга оширилади.

3-боб. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар авторефератларини чоп этиш ва юбориш

9. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар авторефератларини тайёрлаш тартиби, авторефератларнинг талаб қилинган нусхалари миқдори, шунингдек, улар юбориладиган муассасалар ва ташкилотлар рўйхати, илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади.

10. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар авторефератларини чоп этиш нашр этувчи ташкилотлар томонидан илмий даражалар олиш учун талабгорлар талабномалари асосида, ушбу ташкилотларда белгиланган нархлар (тарифлар) бўйича амалга оширилади.

11. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар авторефератларини юбориш, почта хизмати бўлинмалари томонидан илмий даражалар олиш учун талабгорлар талабномалари асосида, ушбу почта хизмати бўлинмаларида белгиланган нархлар (тарифлар) бўйича амалга оширилади.

12. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар авторефератларини чоп этиш ва юбориш учун сарф-харажатларни тўлаш, маблағларни белгиланган тартибда бевосита тегишли нашриёт муассасалари ва почта хизматга бўлинмаларига ўтказиш (қирим қилиш) орқали амалга оширилади.

4-боб. Бошқа шаҳарлик (хорижлик) оппонентларнинг йўлқира, яшаш харажатлари ва суткалик тўловлари учун сарф-харажатларни қоплаш

13. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий даража олиш юзасидан диссертация ҳимояси бўйича расмий оппонент сифатида бошқа шаҳарлик ёки хорижлик мутахассис олинми, унинг рўйхатини билад, белгилаши мумкин.

14. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар бўйича бошқа шаҳарлик (хорижлик) оппонентларга, ҳузурида тегишли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолият юритаётган муассаса томонидан, диссертация ҳимоясини ўтказиш жойига бир марталик келиб-кейтиш, яшаш жойи ижараси (уч кун муддатгача) харажатлари қопланади, шунингдек, суткалик пуллар (уч кун муддатгача) тўланади.

Бунда бошқа шаҳарлик оппонентларга, илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар бўйича оппонентлик қилиш даврида, уларнинг асосий иш жойидан, хизмат сафари харажатлари қопланмасдан, белгиланган тартибда хизмат сафари гувоҳномаси берилади ҳамда ўртача иш ҳақи (уч кун муддатгача) сақланади.

15. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар бўйича бошқа шаҳарлик оппонентларга, йўл харажатлари, яшаш жойи ижараси учун харажатларни қоплаш, шунингдек, суткалик пулларни тўлаш, тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, республика ҳудудида хизмат сафарлари учун белгиланган тартиб ва миқдорда амалга оширилади.

16. Хорижлик оппонентга, ҳузурида тегишли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолият юритаётган муассаса томонидан, йўл харажатлари, яшаш жойи ижараси учун харажатларни қоплаш, шунингдек, суткалик пулларни тўлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, муассаса ва хорижлик оппонент ўртасидаги шартномаларда белгиланган миқдорда амалга оширилади.

5-боб. Илмий даражалар олиш юзасидан диссертациялар ҳимоясини стенография қилиш

17. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг диссертация ҳимояси бўйича мажлисини ўтказишда мажлис жараёни стенография қилиниб, мажлис стенограммаси расмийлаштирилади.

18. Илмий даражаларга талабгорлик диссертацияси бўйича ҳимояни стенография қилиш махсус ташкилотлар томонидан илмий даражалар олиш учун талабгорлар талабномалари асосида, ушбу ташкилотларда белгиланган нархлар (тарифлар) бўйича амалга оширилади.

19. Илмий даражаларга талабгорлик диссертацияси бўйича ҳимояни стенография қилиш учун харажатларни тўлаш маблағларни белгиланган тартибда бевосита тегишли стенография хизматларини кўрсатган ташкилотларга ўтказиш (қирим қилиш) орқали амалга оширилади.

6-боб. Яқинловчи қондалар

20. Илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда диссертацияларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш учун, ҳузурида тегишли илмий даражалар берувчи илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасаларга келиб тушаётган маблағларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларни юритиш мазкур муассасалар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ушбу Низом талабларини бузганлик учун жавобгарлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари” тўғрисида 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., № 9, 28-модда):

а) 1, 2 ва 4-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3 банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича – вазирга, бош илмий котиб – вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг раҳбарлари ва илмий бўлимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари илмий экспертиза билан шуғулланувчи раҳбариятга ва бўлимларга нисбатан, бошқарув органлари учун назарда тутилган шартлар эса – қолган ходимларга нисбатан қўлланилсин”;

в) 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин;

“6. ОАК Тошкент шаҳри, академик Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй манзилидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин”;

г) иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., № 7, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низомда:

а) 2 банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“2. Хорижий давлатлар аттестация органлари томонидан 1992 йил 1 январдан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб ва ишлаб турган чет эл фуқароларига фан доктори ва номзоди илмий даражалари берилгани ҳақидаги ҳужжатлар, шунингдек, хорижий давлатларда фалсафа доктори (PhD) ва унга тенглаштирилган илмий даражалар олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринда ОАК деб аталади) томонидан нострификацияланади (қайта аттестациядан ўтказиш асосида тенглаштирилади)”;

б) 3-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида” сўзлари “ОАК” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

в) 4-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида” сўзлари “ОАК” қисқартмаси билан алмаштирилсин;

г) 5-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“5. Нострификация учун ҳужжатлар ОАК томонидан қабул қилинади.

Тақдим этилган ҳужжатларни ОАКнинг тегишли соҳа бўйича эксперт кенгаши кўриб чиқиб, диссертацияни илмий экспертизадан ўтказиб, ўз хулосасини чиқаради.

ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси эксперт кенгаши хулосаси ва ОАК Котибияти фикри асосида ўз тавсиясини ОАК Президиуми муҳокамасига тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатлар, зарур ҳолларда, ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси қарори билан тегишли илмий ёки илмий-тадқиқот муассасасига ёхуд илмий даражалар берувчи илмий кенгашга жамоавий тақриз учун юборилиши мумкин”;

д) 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“6. ОАК Президиумининг олий малака ҳақидаги ҳужжатларни нострификациялаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ҳудудида кучга киради. Ҳужжат эгаларига ОАК Президиумининг қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг илмий даража дипломлари берилади”;

е) 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“7. Фан доктори илмий даражаси ҳақидаги дипломи нострификацияланган муддати уч ойдан, фан номзоди илмий даражаси, фалсафа доктори (PhD) ва унга тенглаштирилган хорижий мамлакатлар илмий даражалари дипломларини нострификациялаш муддати икки ойдан ошмаслиги керак. Зарур ҳолатларда ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси қарори билан уч ойгача узайтирилиши мумкин”.

ж) 8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“8. Илмий даража ҳақидаги дипломларни тенглаштириш масалалари юзасидан ОАК Президиуми чиқарган қарордан норози бўлган даъвогар қарор чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида ОАКга апелляция шикоятини билан мурожаат қилиши мумкин”;

з) қуйидаги мазмундаги 9-банд қўшилсин:

“9. Хорижий давлатларда берилган илмий даражалар ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди тўлов ундирилади”;

и) 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**“Илмий даража дипломини нострификациялаш бўйича Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясига тақдим этиладиган аттестация иши ҳужжатларининг
РЎЙХАТИ**

1. Талабгор иш жойидан (агар у ишлаётган бўлса) муассаса раҳбари имзолаган йўлланма хат ёки талабгорнинг имзоси нотариал тасдиқланган аризаси (1 нусха). Хатда (аризада) талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, иш жойи ва лавозими, шунингдек, қачон ва қайси давлатда илмий даража

дипломини олганлиги, илмий даражанинг расмий номи, хорижда олинган ҳужжатнинг берилган куни, серияси ва рақами, диссертация мавзуси, қайси ихтисослик бўйича ҳимоя қилганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

2. Муассаса раҳбарининг тегишли ихтисослашган кенгашга мурожаатномаси (аспирант ва доктрантлар учун эса — уларни чет элда олий ўқув юртидан кейинги таълим институлларида ўқишга юбориш учун буйруқ) нусхаси ҳамда агар илмий иш Ўзбекистонда тайёрланган бўлса — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда ОАК деб аталади) ушбу диссертациянинг хорижий давлатларда ҳимоя қилинишига рухсат бериб, хорижий давлатлар аттестация органларига юборган йулланма хатининг нусхаси.

3. Илмий даража дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда илмий даражалар берилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тартибда тасдиқланган таржимаси.

4. Талабгорнинг иш жойидан тасдиқланган ёки унинг имзоси қўйилган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақаси (талабгор паспортининг нусхаси илова қилинади).

5. Диссертация ҳимояси утган муассасанинг ҳамда ихтисослик номининг илмий котиб (агар у ишлаётган бўлса) имзоси билан тасдиқланган ёки талабгор томонидан имзоланган давлат тилидаги (лотин графикаси ҳарфлари билан) ва инглиз тилидаги шакллари.

6. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

7. Талабгор ҳимоя қилган диссертация нусхаси ва мавжуд бўлган тақдирда — 2 нусха авторсферат.

8. Аттестация ишидаги ҳужжатлар рўйхати”;

к) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

	Мазмуни	Муддатлари (кунларда)	Ижро учун масъуллар
1.	Талабгорлар хорижий мамлакатларда берилган фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига (кейинги ўринларда ОАК деб аталади) тақдим этади, шунингдек, нострификация ўқазтириш учун белгиланган тўловни киритишади.		Даъвогарлар
2.	ОАК хорижий мамлакатларда берилган фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш учун тегишли ҳужжатларни қабул қилади.	Ҳужжатлар тақдим этилган кунда	ОАК
3.	Тақдим этилган ҳужжатлар ОАКнинг тегишли соҳа бўйича эксперт кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, ОАКнинг Тартиб-қоида комиссиясига ҳулоса берилади.	Белгиланган муддатда	ОАКнинг тегишли соҳа бўйича эксперт кенгаши

4.	ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси эксперт кенгаши ҳулосаси ва ОАК Котибияти фикри асосида ўз тавсиясини ОАК Президиуми муҳокамасига тақдим этади.	Белгиланган муддатда	ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси
4а.	Тақдим этилган ҳужжатлар, зарур ҳолатларда, ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси қарори билан тегишли илмий ёки илмий-тадқиқот муассасасига ёхуд илмий даражалар берувчи илмий кенгашга жамоавий тақриз учун юборилиши мумкин.	Белгиланган муддатда	ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси, тегишли муассасалар
5.	ОАК Президиуми фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Белгиланган муддатда	ОАК Президиуми
6.	Фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги диплом эгаларига ОАК Президиуми қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари дипломлари берилади.	Белгиланган муддатда	ОАК Президиуми

1 Хорижий мамлакатларда берилган фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш учун тегишли ҳужжатлар ОАКга тақдим қилинади

2 ОАК хорижий мамлакатларда берилган фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш учун тегишли ҳужжатларни қабул қилади

3 ОАКнинг тегишли соҳа бўйича эксперт кенгаши қабул қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ОАКнинг Тартиб-қоида комиссиясига ҳулоса беради

4 ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси эксперт кенгаши ҳулосаси ва ОАК Котибияти фикри асосида ўз тавсиясини ОАК Президиуми муҳокамасига тақдим этади

5 ОАК Президиуми фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги дипломларни нострификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади

6 Фан доктори, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражалар ҳақидаги диплом эгаларига ОАК Президиуми қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари дипломлари берилади

4а- Тақдим этилган ҳужжатлар, зарур ҳолатларда, ОАКнинг Тартиб-қоида комиссияси қарори билан тегишли илмий ёки илмий-тадқиқот муассасасига ёхуд илмий даражалар берувчи илмий кенгашга жамоавий тақриз учун юборилиши мумкин

».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 ноябрдаги
937-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Диссертация ишларининг химояси ва экспертизаси билан боғлиқ бўлган молиявий харажатлар ҳақида” 1994 йил 31 мартдаги 176-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Йилини энг яхши даражиси ва усул адабиёти муаллифи” танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш тўғрисида” 2001 йил 6 июлдаги 290-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2015 йил 25 августдаги 246-сон қарорининг 2-4 бандлари ҳамда қарорга 2 ва 3-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 8-сон, 73-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 ноября 2017 г. № 937

Топкент ш. – г. Ташкент

О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка подготовки
и аттестации научных и научно-педагогических кадров
высшей квалификации

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 16 февраля 2017 года № УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования», а также в целях упорядочения оплаты расходов, связанных с проведением экспертизы в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан и защитой диссертаций на научных советах по присуждению учёных степеней, Кабинет Министров постановляет:

1. Утвердить:

Положение о порядке оплаты расходов, связанных с проведением экспертизы диссертаций на соискание ученых степеней в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан, согласно приложению № 1;

Положение о порядке оплаты расходов, связанных с защитой диссертаций на научных советах по присуждению учёных степеней согласно, приложению № 2.

2. Внести изменения и дополнения в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 3.

3. Признать утратившими силу некоторые решения Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 4.

4. Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан и другим заинтересованным министерствам и ведомствам в месячный срок привести принятые ими нормативно-правовые акты в соответствие с настоящим постановлением.

5. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на председателя Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан Юсупова А.Т. и Информационно-аналитический департамент по вопросам образования, науки и молодежной политики Кабинета Министров Республики Узбекистан.

Премьер-министр
Республики Узбекистан



А. Арипов